# ШАРТНОМА №21
## сув таъминоти учун

**Қўнғирот тумани.** **“21” “01” 2022 й.**

“Урганчтрансгаз”УКнинг Қўнғирот технологик сув таъминоти бошқармаси (*кейинги матнларда “Етказиб берувчи”деб юритилади*) номидан бошқарма Низоми ва унитар корхона директори томонидан берилган 08.01.2021-йилдаги № 37-14/51-сонли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи бошқарма бошлиғи Алымбаев Акрам Унгарбаевич, бир томондан ва “**Оба профилактикаси” (Карантин)** (*кейинги матнларда “Истеъмолчи”деб юритилади*) номидан жамият Устави асосида ҳаракат қилувчи, бошлиғи Г. Торения иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1.“Етказиб берувчи” “**Оба профилактикаси” (Карантин) биринчи чорак** учун **645м3** миқдорида техник сувни етказиб беришни ўз зиммасига олади, “Истеъмолчи” эса ушбу етказиб берилган техник сувни ўз эхтиёжлари учун қабул қилиб олиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. Техник сувни етказиб бериш муддати ва ҳажми:

| **1-чорак.** | | **2-чорак.** | | **3-чорак.** | | **4-чорак.** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *Январь* | 215м3. | *Апрель* | м3. | *Июль* | м3. | *Октябрь* | м3. |
| *Февраль* | 215м3. | *Май* | м3. | *Август* | м3. | *Ноябрь* | м3. |
| *Март* | 215м3. | *Июнь* | м3. | *Сентябрь* | м3. | *Декабрь* | м3. |
| **Жами:** | **645м3** | **Жами:** | **м3** | **Жами:** | **м3** | **Жами:** | **м3** |

1.3. Баланс бўйича бўлиниш нуқтасининг чегараси “Истеъмолчи” вакили ва“Етказиб берувчи” Қўнғирот ТСТБнинг катта диспетчер ўртасида тузиладиган далолатнома билан белгиланади.

1.4. Берилган сув тиндирилган, дезинфекция қилинмаган. Сувнинг кимёвий таркиби Амударё дарё манбасидаги сувнинг таркибига боглиқ.

## II. ШАРТНОМА БАҲОСИ.

2.1. “Етказиб берувчи” тасдиқланган калкуляция асосида ҳар бир м3 техник сувни 2112,97 сўмдан (ҚҚС билан бирга) етказиб беради. (*Қўнғирот ТСТБ томонидан тасдиқланган ва 01.02.2021 йилдан амалда бўлган калкульяция асосида*).

2.2.Йиллик истеъмолни ҳисобга олган ҳолда шартноманинг умумий суммаси 1362865 сўм 65 тийин (*бир миллион уч юз олтмиш икки минг саккиз юз олтмиш беш сўм олтмиш беш тийин)ни ташкил қилади (ҚҚС билан бирга*).

2.3. Сув таъминоти тарифлари йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бунга Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақининг ошиши, юқори ташкилотлар томонидан ойлик-иш ҳақи миқдори оширилиши, таъмирлаш ва ишга тушириш коэффициенти ўзгариши, электр энергияси тарифлари, материаллар нархи кўтарилиши ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин.

2.4. Техник сувнинг нархи ўзгарган тақдирда, “Етказиб берувчи” янги нархлар тўғрисида “Истеъмолчи”га калкульяция тасдиқланганидан кейин бир ҳафта муддат ичида хабар бериши лозим.

## III. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1.“Истеъмолчи”“Етказиб берувчи”га ҳар ойда етказиб бериладиган техник сув учун ўтган ойда истеъмол қилинган техник сув нархининг 100 фоизи миқдоридаги олдиндан тўловни ҳар ойнинг 5 санасига қадар амалга ошириш мажбуриятини олади.

Ўтказилган маблағ олдинги даврлар учун қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда аванс тариқасида ҳисобга олинади, акс ҳолда қарздорлик ҳисобига камайтирилади.

3.2.“Истеъмолчи”га етказиб бериладиган сувнинг сарфи баланс бўйича бўлиниш чегараси, ўрнатилган ўлчаш мосламаларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Ўлчаш мосламаларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишлари “Истеъмолчи” томонидан “Етказиб берувчи”нинг келишуви ва розилиги асосида амалга оширилади.

3.3. Етказиб берилган техник сув ҳажмлари ўлчаш мосламалари кўрсаткичлари асосида ёки қувурларнинг ўтказувчанлиги ҳисоб-китобларига биноан тузилган икки томонлама далолатнома билан белгиланади.

3.4. Сувни ҳисобга олиш асбоби “Истеъмолчи”нинг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-с

қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш ҚОИДАЛАРИ”да белгиланган талаб асосида ҳисоб-китоб қилинади.

3.5. Сувни ҳисобга олиш асбоби “Истеъмолчи”нинг айби билан ишдан чиққан, синган, бузилган ва бу ҳақда “Етказиб берувчи” ташкилоти хабардор қилинмаган тақдирда сарфланган сув миқдори, сўнгги тузилган далолатнома санасидан то янги сувни ҳисобга олиш асбобининг ўрнатилиш санасигача, I гуруҳ истеъмолчилари учун - юқоридаги Қоидалар 87-бандининг "а" кичик банди бўйича, II ва III гуруҳ истеъмолчилари учун –юқоридаги Қоидалар 87-бандининг "б" кичик банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

3.6. Сув ўлчаш асбоблари билан таъминланмаган II ва III гуруҳ истеъмолчилари томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилган тақдирда, “Етказиб берувчи”нотўғри маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан кўп бўлмаган вақт учун истеъмолчилар томонидан сарфланган сув миқдорини қайта ҳисоблаб чиқишга ҳақлидир.

3.7. Сув таъминоти учун ҳисоб-китоб “Истеъмолчи” томонидан ҳар ойда тўлов топшириқномаси, яъни “Етказиб берувчи”нинг ҳисоб-рақамига пул кўчириш орқали амалга оширилади, шу жумладан, кейинги ой учун олдиндан тўлов ўтган ойнинг 5-санасигача бўлган истеъмолнинг 100% миқдорида.

## IV .ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**4.1. “Етказиб берувчи”нинг мажбуриятлари:**

4.1.1. Қўнғирот ТСТБдан “Истеъмолчи”нинг баланс бўйича бўлиниш чегарасигача сув етказиб берилишини таъминлаш.

4.1.2. Ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган сув таъминотининг тегишли ҳажмларини қатъиян кузатиб бориш.

4.1.3. “Етказиб берувчи” сув таъминоти тармоқларида режали профилактик таъмирлашларни амалга ошираётганда “Истеъмолчи”ни иш бошланишидан камида бир кун олдин огоҳлантириш.

**4.2 “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:**

4.2.1. ушбу шартнома шартларини бажариш;

4.2.2. Ҳисоблагич кўрсаткичларини ҳар ойда жорий ойнинг 25-санасигача Қўнғирот ТСТБ катта диспетчерига топшириш, ойлик сув учун тўловларни қабул қилиб олиш;

4.2.3. Сув таъминоти тармоқларини, ўлчаш мосламаларини яхши техник ҳолатида саклаш (ҳизматга яроқлилиги, ўз вақтида кўрикдан ўтказилиши ва пломбалар мавжудлиги ва ҳакозо).

4.2.4. Олинган сув хўжалик ва ичимлик эҳтиёжлари учун ишлатилганда, қўшимча тозалашни таъминлаш.

4.2.5. Истеъмол ҳажмининг ойлар бўйича миқдори ўзгариши (1.2-банд) мумкинлиги аниқланган ҳолларда бу ҳақда “Етказиб берувчи”ни ёзма равишда 1 (бир) ой олдин хабардор қилиш.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Шартноманинг бажарилиши бўйича томонларнинг ўзаро жавобгарлиги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 29.08.1998 йилдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш ҚОИДАЛАРИ”га мувофиқ тартибга солинади.

5.2. Истеъмол қилинган сув учун тўлов ўз вақтида тўланмаганлиги учун “Истеъмолчи”“Етказиб берувчи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов миқдорининг 0,4 % миқдорида, лекин юзага келган қарздорлик суммасининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорида пеня тўлаш мажбуриятини олади.

5.3. Шартномада кўрсатилган миқдордаги сув “Етказиб берувчи”нинг айби билан етказиб берилмаган ёки етказиб бериш кечиктирилган тақдирда “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4% миқдорида, лекин етказиб берилмаган сув қийматининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаш мажбуриятини олади. Форс-можор ҳолатлари ёки “Амударё” дарёсида сувнинг тугаб қолиши содир бўлган ҳолларда ушбу жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

5.4. “Истеъмолчи” мазкур шартномада кўрсатилган ва “Етказиб берувчи” томонидан етказиб берилган сувни қабул қилиб олишдан асоссиз равишда бош тортган ёки рад этган тақдирда “Етказиб берувчи” қабул қилиб олинмаган сув қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

5.5. Етказиб берилган сув учун бўлган қарздорлик бир ойдан ортиқ вақт давомида тўланмаган тақдирда, “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи”ни бу ҳақда 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда “Истеъмолчи”ни сув таъминотидан ажратиб қўйиш ҳуқуқига эга.

## VI . ФОРС– МОЖОР.

6.1. “Етказиб берувчи” қуйидаги ҳолатларда сув етказиб беришни тўхтатганлиги учун жавобгар эмас: “Етказиб берувчи” авария ҳолатида тўхтаганда “Истеъмолчи” нинг сув сақлагич омборида заҳира сув бўлиши керак.

6.1.1. Энергетикатаъминоти тизимида узилишлар бўлганида.

6.1.2. Табиий офатлар (қорбўрони, Амударё дарё саёз суви ва бошқалар) сабабли сувни етказиб беришни имкони юзага келган ҳолатларда.

6.2. Агар шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

6.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

7.1. Тарафлар ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликларни ўзаро музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома тартибида ҳал этадилар.

7.2. Келишувга эришилмаган тақдирда низо кўриб чиқиш учун жавобгар жойлашган ҳудуддаги тегишли иқтисодий судга топширилади.

7.3. Суднинг қабул қилган қарори “Етказиб берувчи” ва “Истеъмолчи” учун бажарилиши мажбурий бўлиб ҳисобланади.

## VIII . ШАРТНОМА МУДДАТИ.

8.1. Шартноманинг амал қилиш муддати **21.01.2022**йилдан **31.12.2022**йилгача.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусха бир хил юридик кучга эгадир.

8.3. Томонлардан бирининг ушбу шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида баёноти бўлмаган тақдирда, муддат тугаши билан у шартномада назарда тутилганидек, худди шу муддатга ва бир хил муддатга узайтирилган ҳисобланади. Агар янги шартнома муддати тугагунга қадар янги шартнома тузиш тўғрисида таклиф берилса, янги шартнома тузилгунга қадар томонларнинг муносабатлари илгари тузилган шартнома билан тартибга солинади.

8.4. “Истеъмолчи” билан шартнома унда сув сарфини ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлган тақдирдагина тузилади.

8.5. Мазкур шартномага киритилаётган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилади, тарафлар томонидан имзоланади ва мухрланади.

8.6. Мазкур шартнома тарафларнинг хоҳишига кўра бекор қилиниши мумкин. Бунда шартномани бекор қилинишини хоҳлаган тараф иккинчи тарафни 15 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

| **“Етказиб берувчи”** | **“Истеъмолчи”** |
|---|---|
| **“Урганчтрансгаз» УКга қарашли Қўнғирот технологик сув таъминоти бошқармаси**<br><br>260300 РК Қўнгирот тумани. Ермагамбетов 8А,<br>Ҳ.р: 20210000000667052001, “Ўзсаноат қурилишбанк” Қўнғирот филиали<br>МФО 00591, ИНН200364942<br>ОКЭД:49500, тел:956062053<br>Тел факс: 8-361-312-36-80<br>эл.Почта.Utwsbuh@mail.ru | **“Оба профилактикаси” (Карантин)**<br>**Қўнғирот тумани пос: Жаслиқ**<br>**Қарақалпоғистон**<br>**Ҳ.р. 23 402 000 000 300 100 001 010**<br>**ИНН:201122919 МФО-00014**<br>**Марказий банк Ташкент ш.**<br>**ОКЭД:91531**<br>шух 100021860352157074130054001 |

________________ **Алымбаев А.У.** ________________ Утамбетова З.

**М.У.** **М.У.**